

долларига сотиб олишини маълум қилиб, бунинг учун уни Германия Федератив Республикасига жўнатиб, ўша ердаги жиной шериқлари орқали унинг битта буйрагини кўчириб ўтказишини маълум қилиб, ундан олдиндан 350 АҚШ доллари миқдордаги пулларни бериши кераклигини айтиб, у билан 2024 йил 26 апрель куни соат 19⁰⁰ларда Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, “Макро” супер маркети олдида кўришиб, Ж.Райимовдан олдиндан келишилган 350 АҚШ доллари миқдордаги пулларни олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ўтказилаётган тезкор тадбир жараёнида ашёвий далиллар билан ушланган.

Судланувчи хxxxxxxxxxxxxxxxxx суд мажлисида айбловга иқрорлик билдирмай, моддий жиҳатдан қийналиб пулга муҳтож бўлиб қолгани, пул топиш йўлини ўйлаб, 2024 йилнинг апрель ойларида таниши “Абдулазиз” исмли шахсни пул керак бўлгани учун ўзини тана аъзоси яъни, буйрагини сотиш мақсадида мижоз излаётгани, бу иш орқали яхшигина даромад кўриш мумкинлигини эшитиб, ўзининг уяли алоқа воситасидан телеграм ижтимоий тармоғи орқали “буйрак сотиш” гуруҳига кириб буйрак сотадиган шахслар бўлса ушбу буйракни сотиб оладиган одам топиб бераман деган маънода эълон бергани ва битта буйрак учун 38.000 АҚШ доллари, жигар учун 43.000 АҚШ доллари ва суяк илиги учун 23.000 АҚШ доллари миқдордаги пуллар эвазига ушбу органларни сотиб олиши ҳақида ёзгани, орадан тахминан 4-5 кун ўтгач телеграм ижтимоий тармоғи орқали унга бир нечта фуқаролар алоқага чиқиб ундан буйрак ва бошқа турдаги аъзоларни қанчадан сотиб олиши ҳақида сўрашганида уларга тана аъзоларини кўчириб ўтказишлари учун Германия Давлатига бориш, у ердаги шифохоналарда танишлари борлиги, ушбу танишлари ўзлари Германияда кутиб олиб, барча шифохона ва яшаш ҳаражатларини қилиб беришларини ёзиб уларни ишонтиришга ҳаракат қилгани ва дастлаб улардан билет учун 350 АҚШ доллари беришлари кераклигини айтгани, сўнг 2024 йилнинг 23 апрель куни уни телеграм ижтимоий тармоғига кейинчалик исм шарифи маълум бўлган хxxxxxxxxxxxxx эълони орқали унга ёзаётгани, унда буйрагини сотиш нияти борлиги бунинг учун қандай ҳаракат қилиши ҳақида йўл-йўриқларни сўраганида унга буйрагини Германия Давлатида операция орқали кўчириб олишлари у ерда бир қанча танишлари борлигини улар ўзлари кутиб олиб барча ҳаражатларни кўтаришлари операция муваффақиятли ўтгач унга буйраги учун Германидаги танишлари 38.000 АҚШ долларини беришлари, бироқ дастлаб чет элга чиқиш “загран” паспорт олиш ва чиптага кетадиган ҳаражатлар учун олдиндан 350 АҚШ доллари миқдордаги пулларни бериши кераклигини айтгани, шунда Ж.Райимов унга ҳозирги кунда пули йўқлиги ва ойлик маошини олиб бўлгач унга ушбу 350 АҚШ доллари миқдордаги пулларни беришини маълум қилгани, орадан бир кун ўтгач 2024 йил 24 апрель куни Ж.хxxxxxxxxxxxxxxxx билан қўнғироқлашиб ўзаро



гаплашишганида, Ж.Райимов пул топгани ва буйрагини сотиш учун тайёр эканини билдиргани, шунда Ж.Райимовга Тошкент шаҳрига келиши шу ерда кўришиб қолган масалаларни гаплашиб олишини маълум қилгани, 2024 йилнинг 26 апрель куни Ж.Райимов унга кўнғироқ қилиб Тошкентга келгани ва ўзи билан дастлабки тўлов пули 350 АҚШ долларини ҳам олиб келгани айтгани, шунда ўзаро Шайхонтохур туманида жойлашган Анхор Локомотив боғи томонда кўришишга келишишгани, соат 19³⁰ларда Анхор локомотив боғига кириш эшиги ёнида Ж.хxxxxxxx билан кўришгани, ўзаро суҳбат давомида Ж.Райимовга 10-15 кун вақт оралиғида виза хужжатлари чиққанидан сўнг жўнаб кетиши, ундан аввал Германиядаги танишлари билан гаплаштириши, улар билан кўришганида ўзлари қолган ишларни ҳал қилишини айтиб унга тушунтиргани, шу зайдда 5-10 дақиқалар гаплашишганидан сўнг Ж.Райимовдан пулни олиб келганини сўраганида у чўнтагидан уч дона юз ҳамда бир дона 50 АҚШ доллари кўринишидаги пулларни унга бергани, ушбу пулларни олиб санаб кўриб, шимини чўнтагига солиб у билан суҳбатни давом эттириб турган вақтида, уларни олдига бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб, ўзларини ХМҚО ходимлари эканликларини айтиб, тезкор тадбир ўтказилаётгани ҳамда ундан қанча миқдорда ва нима сабабдан Ж.Райимовдан пул олганини сўрашганида уларга ҳолатни сўзлаб бергани, шундан сўнг департамент ходимлари билан маъмурий бинога борганидан сўнг уни ёнидаги пулларни холислар иштирокида баённома орқали расмийлаштириб олишгани, аслида уни мақсади фирибгарлик йўли билан ўзгани пулини қўлга киритиб, кейинчалик иш ўхшамаганини айтиб пулни қайтариб бериш бўлгани, уни Германияда ҳеч қандай шифохона, ёки тана аъзоларини кўчириб ўтказиш билан шуғулланувчи танишлари йўқлиги, оилавий ва моддий шароити яъни, отаси киракашлик билан шуғулланиши, онаси ҳамшира бўлиб ишлаши, акаси, синглиси ва ўзи Университет талабаси бўлиб контракт асосида ўқишлари учун, шу жиноятга қўл ургани учун унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи xxxxxxxxxxxxxx айбловга иқrorлик билдирмай кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби судда аниқланган ва мақбул бўлган қуйидаги:

Гувоҳ xxxxxxxxxxxxxx дастлабки тергов даврида, 2024 йил 22 апрель куни уяли алоқа воситаси орқали ижтимоий тармоғидаги мавжуд профилларни кузатиб, Телеграмм каналида буйрак ва шунга ўхшаш бошқа турдаги инсон аъзолари олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахсларнинг гуруҳига кириб қолгани, шунда қизиқиб, мавжуд хабар ва эълонларни ўқиб, буйрак сотиб оламан деган эълонга кўзи тушгани, ушбу эълон бўйича шахсини кейин билган Бxxxxxxxxxxxxxxxx телеграмм профилига буйракни қанчадан сотиб олиши ҳақида сўраш мақсадида ёзганида, у унга буйракни 38.000 АҚШ долларига сотиб олиши, бунинг учун Германия давлатига бориши кераклиги у ерда уни шифокорлар операция қилиб буйрагини кўчириб ўтказишлари, кейин унга пулларни беришларини



айтгани, сўнг у унга буйрагини сотиши ва бунинг учун қандай хужжатларини тайёрлаши кераклигини сўраганида Хxxxxxxxxxxxxxxxxхундан загран паспорти ва Германияга кетиш учун керак бўлган ҳаражатлар учун 350 АҚШ долларини олиб келиши кераклигини айтгани, унинг таклифини қабул қилгани ва у билан Тошкент шаҳрида кўришиб гаплашиб олишга келишгани, эртаси куни бўлса ДХХга бориб ушбу шахснинг ҳаракатларига қонуний баҳо бериши учун чора кўришларини сўраб ариза билан мурожаат қилгани, сўнг ДХХ ходимлари у билан ҳамкорликда ушбу Б.Абдухалиловнинг ҳаракатларига қонуний чора кўришларини айтишгани, шу тариқа 2024 йилнинг 26 апрель куни ДХХ ходимларидан 350 АҚШ доллари миқдордаги пулларни олиб Хxxxxxxxxxxxxxxxxбилан қўнғироқлашгани ва у билан қаерда кўришиб учрашиб олиши, Германияга кетиш учун керакли ҳаражатларни тайёрлаб қўйганини айтгани, Б.Абудахилов уни Шайхонтохур тумани Лабзак кўчасидаги Макро дўкони олдига чақиргани, соат 19⁰⁰ларда келишилган манзилда Б.Абудахилов билан кўришганини, шунда ундан Германияда уни кимдир кутиб олиши ва ҳаммаси яхши бўлиши ҳақида сўраганида у унга ҳаммаси яхши бўлиши, Германияда танишлари борлиги агарда унга ишонмайдиган бўлса унинг паспортинин расмга тушириб олиши мумкунлиги тўғрисида ҳам гапиргани, кейин ундан загран паспорти ҳақида сўраганида у уни Сурхондарёда қолиб кетгани керакли хужжатлари ўзи қилиши ҳақида унга ваъда бергани айтганида у унга бўпти ҳаммасини ўзи қиламан дегани, кейин у унга ДХХ ходимлари томонидан унга берилган 350 АҚШ доллари миқдордаги пулларни Б.Абдухалиловга бергани, ходимлар холислар иштирокида келиб, Б.Абдухалиловни ашёвий далил билан ушлашгани, ўз ўрнида Хxxxxxxxxxxxxxxxxхунга Германияда уни айнан ким қачон ва қаерда кутиб олишини айтмагани, шунингдек уни ёнида паспорти бўлмаса ҳам гўёки паспортсиз хужжатларни ўзи тайёрлаб беришга ваъда бергани ҳақида берган кўрсатуви билан;

- ижтимоий тармоқнинг “ZOOM” платформаси орқали суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ж.Барнаевнинг 2024 йилнинг 26 апрель кун соат Ш.Тўхтамишев билан шахсий иш юзасидан пиёда ҳаракатланиб ўтиб кетишаётганида уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари бир ишда холислик қилишга таклиф этишгани, вақтлари бўлгани боис, уларни таклифини қабул қилишгани, сўнг маъмурий бинога боришгани, у ерда аризачи фуқаро Ж.Райимов исмли фуқарони кўргани, шундан кейин Ж.Райимовга прокуратура ходимлари томонидан махсус ишлов берилган 350 АҚШ доллари миқдордаги пуллар уларнинг иштирокида берилгани, Ж.Райимов ушбу пулларни ундан буйрак сотиб олишини айтган фуқаро Б.Абдухалиловга бериши кераклигини уларга маълум қилгани, кейин орадан 1 соатлар вақт ўтгач ходимлар иштирокида Ж.Райимов пулларни Б.Абдухалиловга бериши керак бўлган жойга боргани, улар ходимлар



билан четроқда уларни кутиб тургани, сўнг воеқа жойига келди ва Ж.Райимов билан озроқ сухбатлашиб туриб ундан махсус ишлов берилган пулларни унга берган вақтда ХМҚО ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушлангани, уларни иштиирокида баённома асосида расмийлаштириб олишгани ҳақида берган кўрсатуви билан;

- ижтимоий тармоқнинг “ZOOM” платформаси орқали суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ш.Тўхтамишев, гувоҳ Ж.Барнаев кўрсатувиға ўхшаш мазмунда берган кўрсатуви билан;

- шунингдек, жиноят ишидаги тезкор тадбир ўтказиш билан боғлиқ дастлабки процессуал ҳужжатлар, нарсани олиш кўздан кечириш баённомаси, гувоҳларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Хxxxxxxxxxxxxx жиной ҳаракатини квалификация қилинган ҳолатини муҳокама қилиб қуйидаги хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз бергани, уни содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатни аниқлаши шарт. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчи ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 408-моддасида, суд ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириши ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган барча чораларни кўриши лозимлиги кўрсатилган.

Кодекснинг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги; ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилиши; ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши; ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация



этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши; суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши; суднинг ҳукмида ифодаланган барча хулосалари асослангандир билан бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Кодекснинг 463-моддаси 1-қисмида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши; айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддасининг диспозициясида, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш, шу модда 2-қисмининг “е” бандида, ушбу ҳаракатларни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, “к” бандида инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида содир этилгани учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги” 12-сонли қарорининг 5-бандида; **одамни эксплуатация қилиш** бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эркисизлик ҳолати ёки **одам аъзолари ёки тўқималари олинишини англашиш**;

6-бандида; одам савдосига оид ишларни тергов қилиш ёки кўришда тергов органлари ва судлар қуйидаги тушунчаларни аниқ фарқлашлари лозимлиги:

ёллаш деганда эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини қидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва ҳ.к) тушунилади;

ташиш - шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта аҳоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин;



топшириш - одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади;

яшириш – жабрланувчини ҳокимият вакилларида, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлашда ифодаланади;

қабул қилиш – одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгалликка олиш (масалан, ҳада тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.) ни англашда, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно деб тушунтириш берилган.

Қонун мазмунига кўра, шахсни ёллаш, қоида тариқасида, алдаш йўли билан амалга оширилади. Айбдор жабрланувчининг бирон-бир фаолият билан шуғулланишига ихтиёрий розилик беришига интилиши билан таърифланадиган кўндириш ёллаш усули сифатида мазкур ҳолатда анча камроқ қўлланилади. Одамни ёллаш уни зўрлаш, кўрқитиш ёки мажбурлашнинг бошқача турларини қўллаш орқали амалга оширилса, келиб чиққан оқибатларнинг даражасидан қатъий назар қилмиш ЖКнинг 135-моддаси 2 ва 3-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси 2-қисмининг “е” бандида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, одам савдоси жиноятини содир этиш деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг мазкур модданинг 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишда биргаликда иштирок этиши тушунилади. Бунда жиноятни ЖК 135-моддаси 2-қисмининг “е” банди билан квалификация қилишда айбдорлар ўртасидаги келишув олдиндан жиноят содир этишдан бевосита олдин тузилган бўлиши керак.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга судланувчи Б.Абдухалилов, инсон ҳаёти учун зарур бўлган тана аъзоларини сотиш мақсадида телеграмм ижтимоий тармоғи орқали турли ҳилдаги каналларига шу мазмундаги эълонларни жойлаштириб, тана аъзоларини сотиш истагида бўлган шахсларни излаб, ушбу мақсади йўлида фуқаро Райимов Жамшидбек Камолиддин ўғли билан телеграмм ижтимоий тармоғи орқали мулоқотга киришиб, Ж.Райимовнинг битта буйрагини 38.000 АҚШ долларига сотиб олиши, бунинг учун уни Германия Федератив Республикасига жўнатиб, шифокорлар орқали унинг битта буйрагини кўчириб ўтказишини маълум қилиб, ундан олдиндан 350 АҚШ доллари миқдордаги пулларни бериши кераклигини айтиб, эмин эркин равишда мулоқотга киришган. Ўз ўрнида фуқаро Ж.Райимов ҳам Б.Абдухалиловни асл мақсади, яъни у билан инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси ҳақида сўз юритилиб, келажакда ушбу ҳаракатлар реал амалга оширилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлардан хабари бўлган. Ушбу ҳолатда судланувчи Б.Абдухалиловнинг жинойий ҳаракатларида, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб яъни айнан қайси шахслар билан қачон олдиндан тил бириктириб, эксплуатация объектини қидиришда



шахсни алдаш, зўрлаш, қўрқитиш ёки мажбурлашнинг бошқача турларини қўллаш усули орқали амалга оширилган ҳолати иш бўйича тўпланган барча объектив далиллар йиғиндиси билан исботланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 11.05.2022 йилдаги 768-сонли “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғриси”ги қонунининг 3-моддасига кўра, тирик донор - ўзидан аъзоларининг ва (ёки) тўқималарнинг трансплантация учун олинишига ихтиёрий равишда, бепул асосда, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилик берган инсон тушунилади.

Қонуннинг 15-моддасига кўра, инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилишда жисмоний ҳамда юридик шахсларга инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси тақиқланади.

Бироқ дастлабки тергов органи томонидан юқорида қайд этилган ҳолатлар чуқур ўрганилиб ишнинг ҳақиқий ҳолати аниқланмасдан айблов эълон қилишда судланувчи Хxxxxxxxxxxxxxxxxхбилан фуқаро Ж.Райимов ўртасида инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси ихтиёрий равишда бўлган инобатга олинмай, Б.Абдухалиловнинг жинойий ҳаракати барвақт *“одам савдоси, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадига, одамни олиш-сотиш ва одамни ундан фойдаланиш мақсадига ёллаш, ташиниш ва топширишда”* ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси 2-қисмининг “к, е” бандлари нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида “Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак” деб қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 13.05.2014 йилги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандида “Иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назардан баҳоляниши лозим. Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳолянган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин” деб, 5-бандида “Судлар ҳукми ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва



суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак.” деб кўрсатилган.

Шу сабабли суд, иш ҳолати ҳамда Конституция, Қонун ва Олий суд Пленуми Қарорлари талабларидан келиб чиқиб, Б.Абдухалиловнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси 2-қисмининг “е,к” бандларидан, “*инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималари олди-сотдиси*” га суиқасд қилишда ифодаланган ЖК 25, 133¹-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Шу билан бирга суд судланувчи Б.Абдухалиловнинг дастлабки тергов ва суд мажлисида гўёки, у одам савдоси жиноятини содир этмагани уни мақсади фақат фуқаро Ж.Райимовга тегишли пул миқдорини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишдан иборат бўлгани ҳақида келтирган важлари, иш бўйича тўпланган юқорида қайд этилган барча объектив ва субъектив далиллар йиғиндиси билан рад қилинади деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга эканлиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши, 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши, Конституциянинг олий юридик кучга эгаллиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини аниқлаштириши, шунга кўра, судлар кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлиги ҳақида, 6-бандида Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олиш зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши,



яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратиш ҳақида, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида, 37-бандида *судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.*

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб кўрсатилган.

Шу билан бирга, суд судланувчи Б.Абдухалиловга жазо тури ва чорасини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида қайд этилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, ҳамда юқорида қайд этилган Пленум қарори талабларидан келиб чиқиб, аввламбор судланувчи Б.Абдухалиловнинг шахси, оилавий ва моддий шароити, муқаддам судланмагани, ҳозирги кунда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Унверситетининг 3-босқич талабаси экани, яшаш жойидан ижобий тавфсифланиб, “Ҳастимом” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан уни ҳулқини маҳалла назоратига олиниши ҳақида берган кафолат ҳати, шу билан бирга содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, уни ахлоқини озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинламасдан ҳам тузатиш мумкин деган қатъий



фикрга келиб, ЖК 133¹-моддасининг 1-қисми санкцияси доирасида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, ЖКнинг 62-моддасида тарбида узил кесил жазо тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ХУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи xx Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25, 133¹-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва шу моддага кўра унга 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан 2024 йил 28 апрелдан 2024 йил 16 сентябрга қадар (142 кун) қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, узил-кесил ўташ учун xxxxxxxx 2 (икки) йил 7 (етти) ой 8 (саккиз) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ижросини таъминлаш, xxxxxxxxxxxx яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБ раҳбарияти зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати Хxxxxxxxxxxxxxxxxжазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан Б.хxxxxxxxxxxxx:

- сутканинг муайян вақти, яъни кеч соат 23⁰⁰дан эрталабки соат 06⁰⁰га қадар доимий яшаш жойидан чиқмаслик;

- уяли алоқа ва интернетнинг ҳар қандай туридан фойдаланмаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик ва Республика ҳудудидан чиқмаслик;

xxxxxxxxx агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

- озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Хxxxxxxxxx нисбатан қўлланган “қамоққа олиш тарзидаги” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, унга нисбатан “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилсин ва қўлланган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин, Хxxxxxxxxxxxxxxxxдарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу



муддат ичида мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ушбу муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

А. Мирзаханов

